

НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.24/30.12.2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ

“НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

АБЗАЛОВ АКМАЛ НАРХАТОВИЧ

ТАХТАКАНР ВАЛИДАГИ ЮРА ДАВРИ ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ НЕФТ
ВА ГАЗЛИЛИГИГА ИСТИҚБОЛЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

04.00.07 – Нефт ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

ГЕОЛОГИЯ–МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абзалов Акмал Пархатович

Тахтакаир валидаги юра давр ётқизикларининг нефт ва газлигига истиқболлилигини баҳолаш ва геологик тузилишининг хусусиятлари..... 3

Абзалов Акмал Пархатович

Особенности геологического строения и оценка перспектив нефтегазоносности юрских отложений Тахтакаирского вала..... 21

Abzalov Akmal Parkhatovich

Forecast of the oil and gas potentiality of the Gazlin rift based on the results of modeling the petrophysical properties of the terrigenous cretaceous deposit..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.24/30.12.2019.GM.41.01 ИЛМий КЕНГАШ

“НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

АБЗАЛОВ АКМАЛ ПАРХАТОВИЧ

**ТАХТАКАИР ВАЛИДАГИ ЮРА ДАВРИ ЁТҚИЗИКЛАРИНИНГ НЕФТ
ВА ГАЗЛИГИГА ИСТИҚБОЛЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.07 – Нефт ва газ конлари геологияси, уларни қидириш разведка қилиш

ГЕОЛОГИЯ–МИНЕРАЛОГИЯ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2021.1.PhD/GM105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтига бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Богданов Александр Николаевич геология-минералогия фанлари доктори, катта илмий ходим Шарафутдинова Лейла Полатовна геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи тапшиқлов:	Мирзо Улутбек номдаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” давлат муассасаси ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 05 » сентябр кунин соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимплар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507-х.; e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация билан “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” давлат муассасасининг Ахборот-ресурс марказида танишшиш мумкин (4427 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимплар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: igimigm@ing.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил « 11 » август кунин тарқатилди.

(2025 йил « 02 » июндаги 96-рақамли реестр баённомаси).



Шеймуратов Т.Х.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.т.

Юлдашева М.Г.
Илмий даражалар берин бўйича
Илмий кенгаш илмий котиб, г.-м.ф.д., к.и.т.

Евсеева Г.Б.
Илмий даражалар берин бўйича
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси ўринбосари, г.-м.ф.д., к.и.т.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда углеводород хомашёси захираларининг ўсишини таъминлаш асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини геология-қидирув ишлари амалиётига фаол жорий этиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бинобарин, нефть ва газни қайта ишлаш мажмуаларининг барқарор ишлаши учун етарли ҳажмдаги хомашё базаси зарур бўлиб, газ, нефть ва конденсат захираларини қўпайтириш янги конлар ва уюмларни очини орқали амалга оширилмоқда. Бу борада мураккаб тузилмалли терриген геологик кесмаларни ўрганиш ва уларда потенциал истикболли коллекторларни ажратиш усулларини қўллаш ва такомиллаштириш нефть ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Шу билан, нефть ва газ геологияси йўналишининг устувор вазифаларидан бири янги углеводород конларини топиш учун инновацион ишланмалар ёрдамида истикболли зоналарнинг геологик тузилиш хусусиятларини ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Дунёда юра даври ётқизикларининг нефтгазлилигининг литологик, фациал, структуралий мезонларини ўрганиш, ҳар хил турдаги тутқичлар билан боғлиқ бўлган нефть ва газ уюмларини излаш бўйича илмий ишланмалар олиб боришмоқда. Бу борада, махсусдор кумтош қатламларининг тузилишини, мураккаб тузилган углеводород уюмларининг шаклланиш шароитларини, юра даври ётқизикларининг моддий тузилишини аниқлаштириш, аномал юкори қатлам босими (АЮКБ) ва мураккаб тузилган грануляр ва ёрикли коллекторлар шароитида газ ва конденсатни қазиб олиш усулларини ишлаб чиқиш ва технологик муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада мамлакат саноати ва халқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур бўлган углеводород хомашёси захираларини қўпайтириш ва қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида¹ алоҳида ҳудудларнинг “табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган”. Бу борада, янги газ ва конденсат конларини аниқлаш учун Тахтақан вали тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, истикболли башорат қилиш ва геология-қидирув ишлари йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019-йил 1-февралдаги ПФ-5646-сон “Ўзбекистон Республикасининг Ёқилти-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 2- февралдаги ПҚ-2755-сон “Устюртда геология-қидирув ишларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017-йил 3-ноябрдаги ПҚ-3372-сон “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятининг минерал-ҳом ашё базасини ривожлантириш ва кўпайтириш бўйича 2017–2021 йилларда давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. 2019-йил 9-июлдаги ПҚ-4388-сон “Иқтисодиёт ва аҳолининг энергетик ресурслари билан барқарор таъминлаш, молиявий соғломлаштириш ва нефт-газ тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон. 2019-йил “Нефт ва газ бўйича геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Устюрт регионининг юра даври чўқинди мажмуалари, жумладан, Тахтакаир валининг литологик-стратиграфик ва тектоник хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб А.М. Акрамхўжаев, Г.С. Абдуллаев, Х.Х. Авазхўжаев, Л.М. Акименко, А.Д. Архангелский, П.У. Ахмедов, Т.Л. Бабажанов, А.Г. Бабаев, А.Н. Богданов, И.Т. Бойқобилов, Г.Г. Джашилов, Ф.Г. Долгополов, Д. Дўстмухамедов, Б.Н. Золотоноша, О.А. Зорина, А.Г. Ибрагимов, О.А. Қаршиев, А.В. Киришин, Л.И. Лабутина, А.С. Мўминов, Н.У. Мухутдинов, Н.В. Неволли, Б.Б. Тал-Вирский, Н.Ш. Хантов, Д.Р. Хегай, Б.И. Хожиев, Л.П. Шарафутдинова, Т.Х.Шоймуротов, М.Э. Эгамбердиев, М.Г. Юлдашева, Ж.Ю. Йўлдошев ва бошқалар.

Тахтакаир валининг геологик тузилишини замонавий сейсморазведка усулларида фойдаланган ҳолда 2D усулида, шунингдек, чуқур бургилаш орқали ҳар томонлама ўрганилди, бу эса унинг структуралар-стратиграфик моделини батафсил реконструкция қилиш имконини берди. Ушбу кенг қамровли тадқиқотлар натижасида Шеге кони кашф этилди, бу эса тадқиқот майдонининг катта нефт ва газга салоҳиятидан далолат беради.

Бундан ташқари, геология-қидирув ишлари доирасида ушбу участкада параметрик бургилаш ишлари олиб борилди, бу эса тоғ жинсларининг физик-механик ва геокинемий хусусиятлари тўғрисида кенг қўламли маълумотларни тўплаш имконини берди. Олинган натижалар нефт-газга комплексларни ажратил ва тавсифлаш, шунингдек, юра даври ётқизикларининг потенциалини баҳолаш учун ишлатилган, бу эса ўрганилаётган ҳудудда углеводород ресурсларининг тақсимланишини аниқлаштириш имконини берган.

Шундай қилиб, сейсморазведка тадқиқотлари ва параметрик бургилаш жараёнида олинган маълумотлар тўплами Тахтакаир валида углеводородлар тўплаларини аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Шу муносабат билан, замонавий геофизик усуллари интеграллаш, маълумотларни комплекс талқин қилиш ва структуралар-тектоник моделини аниқлаштиришни ўз ичига олган мақсадли геология-қидирув ишларини давом эттиришни асослаш зарур, бу эса истиқболли нефт ва газ тўққичларини қидириш бўйича ГКИ самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Нефт ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: ПД 452-11Т “Шеге №3 излов-қидирув қудуғи керинини петрофизик аниқлаш” (2012), 13-07 “Судочье эгиклиги ва ёңдош ҳудудлар юра даври терриген катламида излов-қидирув ишларининг келгусидаги йўналишларини белгилаш мақсадида литологик-фациал ҳамда стратиграфик тузилишини аниқлаштириш” (2015), 14-20 ДГК “Ўзбекистон Республикасининг 01.01.2020 йил ҳолатига кўра нефтгазли минтакаларидаги чўқинди жинсларида башоратланган углеводород ресурсларини қайта баҳолаш” (2021) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тахтакаир вали юра даври тоғ жинслари мажмуаларининг такомиллаштирилган структуралар-геологик тузилма модели асосида ҳудуднинг нефт-газга истиқболлилигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геологик тузилиш хусусиятларини ўрганиш учун геологик ва геофизик маълумотларни таҳлил қилиш;

Тахтакаир вали қуйи, ўрта ва юқори юра даври ётқизикларининг аниқлаштирилган юқори (шнп) қисми бўйича структуралар хариталарини ва геологик моделларини тузиш;

Тахтакаир вали ҳудуди бўйича юра даври ётқизикларида башорат қилинган углеводород ресурсларини баҳолаш;

углеводород уюмларини излаш бўйича геологик-қидирув ишларининг кейинги йўналишларини асослаш ва айрим аниқ структуралар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тахтакаир валининг қуйи-ўрта юра ётқизиклари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Тахтакаир валининг қуйи-ўрта юра ётқизикларининг нефтгазлилиги истиқболлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда геологик, структуралар хариталаш, сейсмик тадқиқотлар, чуқур бургиланган қудуқлар ва уларнинг геофизик маълумотларини таҳлил қилиш усулларида, шунингдек геологик моделлаштиришда “Petrel” дастурий таъминот мажмуасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

каротаж диаграммаларининг таҳлили асосида Тахтакаир валининг куйи ўрта юра ётқизикларида коллекторлик хусусиятга эга қумтошли қатламлар (J_1^3 , J_2^3) ажратилган ва уларнинг махсуддорлик эҳтимоли аниқланган;

Тахтакаир вали бўйича геофизик маълумотлар талқини ишончилигини ошириш имконини берадиган юра даври ётқизикларига мансуб коллектор жинсларининг петрофизик модели ишлаб чиқилган;

Тахтакаир вали куйи ва ўрта юра ётқизикларининг геологик-геофизик маълумотлари комплекс таҳлилларига таяниб ажратилган янги ер ёриқлари асосида уларнинг бурмали-блокли тузилишдан иборатлиги исботланган;

Тахтакаир вали юра даври ётқизиклари бўйича газ уюмларига истикболли зоналар ажратилган ва уларнинг башоратли ресурслари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

чуқур бурғилага тавсия этилган газга истикболли Шега ва Орқа Қўнғирот участкалари аниқланган;

кудукларнинг геофизик тадқиқотлари маълумотларини талқин қилиш асосида Тахтакаир вали юра даври (J_1^3 , J_2^3) ётқизикларидаги нефтьгазга истикбол бўлган қумтошли қатламлар аниқланган;

Тахтакаир вали юра ётқизикларининг уч ўлчамли геологик модели ишлаб чиқилган ва сейсмик кидирув ҳамда чуқур бурғилага кудуклари тавсия этилган истикболли майдонлар ажратилган;

сейсмик кидирув ва бурғулаш ишларини амалга ошириш учун истикболли участкаларни белгилаган ҳолда Тахтакаир вали юра ётқизикларининг уч ўлчамли геологик модели ишлаб чиқилган;

Тахтакаир вали юра даври ётқизикларининг углеводород хом ашёсининг башоратли ресурслари баҳоланган;

углеводород ресурсларининг башорат қилиш асосида концентрацияси даражасига кўра нефтьгазлик истикболлари харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги 1550 пог. км умумий чуқурлик нуқтаси усули 2D (УЧНУ-2D) сейсмик-кидирув ишлари маълумотлари юқори, ўрта ва қисман куйи юра давр ётқизикларини очган 5 та чуқур бурғи кудуклари, уларда бажарилган геофизик тадқиқотлар маълумотлари ҳамда керн ва шлам намуналарининг мажмуавий лаборатория тадқиқоти ишлари натижалари, кудук тадқиқотлари намуна олиш ва синов ишлари билан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тахтакаир валида юра даври ётқизикларининг уч ўлчамли моделини ишлаб чиқиш билан юра даври кесимининг геологик тузилишини аниқлаштириш, уларнинг бурмали-блокли тузилиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тахтакаир валининг юра даври ётқизиклари кесимида нефтьгазга истикболли қатлам-коллекторларни ажратиш ва истикболли майдонларнинг башорат харита-схемасини тузиш орқали башорат ресурсларини баҳолаш ҳамда уларни чуқур бурғилага тавсия этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тахтакаир вали юра даври ётқизикларининг геологик тузилиши хусусиятларини аниқлаш ва нефтьгазга истикболлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Куйи Шега ва Орқа Қўнғирот тузилмаларини чуқур бурғилага тайёрлаш учун ишлаб чиқилган геологик моделлар “Ўзбекгеофизика” АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 1 августдаги 04-3663-сон маълумотномаси). Натижада 15,5 миллион тонна шартли ёқилғи истикболли газ ва конденсат ресурсларига эга бўлган Куйи Шега тузилмасини чуқур бурғилага тайёрлаш имконини берган;

Шега қони чуқур қисмидаги куйи юрага онд қатламларни очиш учун биринчи сонли Куйи Шега излов кудутиний бурғилага жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖнинг 2022 йил 20 июлдаги 03-18-07/20 сон маълумотномаси). Натижада куйи юра ётқизиклари махсуддорлиги аниқланиб, ушбу излов кудугидан саноат аҳамиятига молик 12 мм штуцерда $Q_0=102,381$ минг $m^3/сут$ касига газ оқимини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий ва илмий-техник анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шунлардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўрганилаётган ҳудуд ва унга туташ ҳудудларни геологик-геофизик ва бурғилага бўйича ўрганилганлиги” деб номланган биринчи бобида Тахтакаир валининг, шу жумладан, туташ ҳудудларининг геологик, геофизик ва бурғилага билан ўрганиш бўйича маълумотлари баён этилган. Тахтакаир валида геологик ўрганилганлик ишлари XIX асрнинг ўрталарида бошланган. XX асрнинг бошларидан бошлаб ўрганилаётган ҳудуд

ва қўшни ҳудудларнинг нефтьгазлик салоҳияти, геологияси, тектоникаси ҳамда гидрогеологияси мақсадли ўрганила бошланган. 1960 йиллардан бошлаб "Ўзбекгеофизика" АЖ мутахассислари томонидан геофизик тадқиқотлар: СТУ, ҚТУ, УЧНУ-2D сейсмик-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Регионал сейсмик-қидирув ишлари билан бир қаторда стратиграфик мажмуаларни ажратиш ва уларни сейсмик қайтарувчи горизонтлар билан боғлаш ҳамда ушбу стратиграфик мажмуаларни ётиш чуқурликларини янада аниқлаштириш учун таъинч ва параметрик бургилаш ишлари ўтказилди.

Тахтакаир валии ҳудудида ҳозирги кунга қадар жами 5 та қудук, қўшни ҳудудга туташ қисмида эса 10 та қудук бургиланган. 1984 йил тадқиқот майдонининг марказий қисмида чуқур геологик тузилишини ўрганиш мақсадида №1п-Тахтакаир қудуғи, 1993 йилда эса ҳудуднинг жанубий қисмида №1п-Орка Қўнғирот чуқур қудуғи бургиланган. 1994 йил Тахтакаир валиининг шимолий қисмида майдоннинг чуқур геологик тузилишини ва шунингдек, нефтьгазга истикболлилигини аниқлаш мақсадида №1-Шеге излов қудуғи бургиланган ва натижада ўрта юра даври ётқизикларида ўтказилган синов ишлари натижасида саноат аҳамиятига молик газ оқими олинган ва Шеге майдони – кон деб элон қилинган.

2005-2012 йиллар давомида ҳудудда "ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компаниеси" (Россия) компаниеси томонидан Қўнғирот блокида сейсмик 2D ва Шеге конида №3-Шеге излов-разведка қудуғи бургиланган. Бургилаш натижасида геологик қидирув ишларини (ГҚИ) режалаштириш учун геологик ва геофизик маълумотларни тақдим этди.

Айни пайтда, Устюрт регионида ҳудудий маҳсулдор бўлган юра давр ётқизикларини мақсадли ўрганиш учун Тахтакаир валиининг геологик-геофизик тадқиқотлари етарли даражада бажарилмаганлигини қайд этиш мумкин. Геологик қидирув ишларидан ижобий натижаларга эришил ва янги углеводород конларини очиб учун геологик, геофизик ва тематик ишлар ҳажминин ошириш зарур.

Диссертациянинг "Тахтакаир валиининг геологик тузилишининг хусусиятлари" деб номланган иккинчи бобида мавзусига бағишланган Тахтакаир валиининг геологик тузилиш, юра даври қатламларининг ҳосил қилувчи жинсларининг ётиш шароитлари уларнинг литологияси ва стратиграфияси ҳақида кенг ёритилган. Шу қаторда, тадқиқот майдонининг тектоник структураси, унинг асосий тектоник элементлари ва уларнинг қисқача таърифлари келтирилди. Тахтакаир валиининг геологик тузилишини ўрганишга бағишланган илмий ишлар А.М. Акрамходжаев, Г.С. Абдуллаев, А.Е. Абетов, Х.Х. Авазходжаев, Л.М. Акименко, Д.Р. Хегай, Л.П. Шарафутдинова, Т.Х. Шоймуратов, М.Г. Юлдашева ва шу каби етук олимлар томонидан турли йилларда нашр қилинган.

Қўйи-ўрта ва юқори юра давр ётқизикларининг геологик тузилиши ва ҳосил бўлиш шароитлари турли тоифадаги коллектор жинсларининг шаклланишига таъсир кўрсатган, уларнинг турли хил ўзгаришлари Тахтакаир валии ҳудудида кузатиладиган. Коллектор жинслари, асосан, қумтош, гравелит,

конгломератлар, алевролит ва аргелитларнинг оралик қатламлари бўлган қумтошлардан ташкил топган.

Қўйи юра бўлими - J₁. Қўйи юра даври икки қисмга бўлинади: пастки қисми "плинсбах-тоар" кетма-кетлиги бўлиб, у юқори гетанг ва синемюр, тоар ётқизикларининг юқори қисмининг ўз ичига олади. Тахтакаир ва унга туташ зонада қўйи юра даври асосан плинсбах ва тоар ётқизикларидан иборат. 1962-1972 йиллар Хачиева Л.С., Алимов К.А. олимларимиз томонидан спора-пылла таҳлили ва натижаларини ўрганиш асосида қўйи юра плинсбах ёши аниқланди.

Плинсбах яруси чўкиндиларининг қат-қатлангани аргилитлар, алевролитлар ва қумтошлар кетма-кетлигидан ташкил топган. Тўқ қулрангдан қора ранггача бўлган аргилитлар қатламлари устуңлик қилади, уларда ширит ва сидерит қўшимчалари бор, линзали ва линзасимон-горизонтал қатламларидир.

Тоар яруси чўкиндилари асосан гравелитлар, конгломератлар, алевролитлар ва аргелитларнинг оралик қатламлари бўлган қумтошлардан ташкил топган. Қумтошлар қулранг, ҳархил заррали, шағал донали, полимиктли, контактли-говакли пайкали аралаш сементли, ўсимлик детритли, қатлам бўйлаб қарбонлаштирилган ўсимлик органик моддаларининг катта бўлак излари билан каттик ва зичланган.

Ўрта юра бўлими - J₂. Ўрганилаётган ҳудудда ўрта юра давр ётқизиклари кенг тарқалган бўлиб аален-байос ва бат-келловей бўлинмаган босқичлари билан ифодаланган. Литологик жиҳатдан улар қатламлараро қулранг қумли-алевролитли-гилли жинсларининг терриген қатламлари билан ифодаланган.

Тахтакаир валиида **аален-байос яруси** ётқизикларининг максимал қалинлиги 1п Тахтакаир -1050 м ва 1п Орка Қўнғирот 2400 м қудуқларида кузатилади. Ётқизикларининг литологик таркиби қулранг қумтошлар билан ифодаланган, ётқизикларининг юқори қисмларида улар яшил-қулранг, майда дончаларгача, слюдали, зич, полимиктли, аралаш қарбонат-слюда-гилли сементли, ёмон сараланган - аален-байос ва яхшироқ сараланган - бит ётқизикларида, алевролитлар тўқ қулранг, полимиктли, каттик, зич.

Бат-келловей яруси Тахтакаир валиида гил, алевролит ва қумтошларнинг қарбонат семент билан алмашиниши ҳамда охақтош ва мергелларнинг юпка қатламларини билан, Тахтакаир валиининг жанубий қисмида эса аргилитга ўхшаш қалин гиллар, алевролит, қумтош ва қарбонат жинсларининг оралик қатламлари билан намоён бўлади. Шунинг таъкидлаш кераки, келловей ётқизиклари нисбий мустақамлик билан ажралиб туради. Ўрта юра давр ётқизиклари № 1п Орка Қўнғирот қудуғида максимал қалинлиги 2400 м га етади.

Келловей яруси №1п Орка Қўнғирот қудуғида яшил-қулранг қумтошлар, алевролитлар, қулранг ва яшил-қулранг аргелитлардан иборат, қумтошларда сезиларли даражада доломит ва калшит мавжуд бўлиб, қалинлиги 115 м ни ташкил этади.

Юкори юра бўлими - 4. Юкори юра даври барча чуқур қудуқлар томонидан очилган ва улар оксфорд-киммеридж ва титон ётқизиклари билан ифодаланган. Оксфорд-киммеридж ётқизиклари асосан алевролит ва кумтош оралиқ қатламли гиллардан ташкил топган. Алевролитлар яшил-қуланг, гилли ва кумли, зич, қаттиқ. Кумтошлар яшил-қуланг, майда донадор, кўпинча алевролитли, зич, қаттиқ, массив, глауконитнинг ноёб доналарини ўз ичига олган кварц-далашнатли. Тахтакаир валидаги бу ётқизикларнинг максимал қалинлиги 650 м га етади.

Титон яруси. Оксфорд- киммеридж ётқизиклари устида бурчак остида бўлмаган, аммо эрозияга учраган титон ётқизиклари ётади. Тахтакаир валида таркибидан фауна қолдиқлари бўлмаган, юкори қаришлукка эга бўлган, қуланг оҳакли майда заррали кумтошлар боғлами билан ифодаланади. Киммеридж ва титон ётқизикларининг қалинлиги 6 дан 15 м гача.

Ўрганилаётган ҳудудда учта структуравий кават ажратилган: пойдевор, оралиқ структура кавати ва мезозой-кайнозой ётқизикларининг чўкинди қоплами. Чўкинди қоплами типик платформа ётқизиклари билан ифодаланади, оралиқ тузилиш даражаси эса чўкинди ва чўкинди-вулканоген шаклланишларини ўз ичига олади. Эрозия ва бурчак номувофиқлиги натижасида юра давр чўкиндилари палеозой шаклланишларини қоплайди. Улар учта бўлиниш билан ифодаланади, уларнинг стратиграфик тўлиқлиги ва қалинлиги алоҳида тектоник зоналарда фарқланади. Коллектор ва қопқоқ жинсларининг оптимал нисбатини, углеводородларнинг ҳосил бўлиш ва тўпланиш зоналарининг комбинациясини, юра давридаги сув босими қатламларининг гидродинamik изоляциясини таъминлаган чўкинди шаронглири ҳали етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **“Тахтакаир валини структуравий-геологик моделантириш”** деб номланган учинчи бобда кери намуналари тадқиқотлари, қон геофизикаси материалларини тадқиқ қилишнинг илмий ва амалий натижалари, юра даври жинслари мажмуаси юзасининг структуравий схемасини тузиш, турли тартибдаги структуралар марфологиясини ажратиш ва тавсифлаш усуллари ёритилган.

Қудуқ кесимларида бажарилган геофизик тадқиқоти (ҚТТ) маълумотларини ҳар томонлама талқин қилиш ва кери тадқиқотлари натижаларига кўра, Арка-Қўнғирот, Тахтакаир майдонлари ва Шере қонларидаги маҳсулдор юра давр қатламларининг литологик ва петрографик тавсифлари аниқланди. Қудуқларда бажарилган геофизик тадқиқотлар мажмуасини коллекторларни аниқлаш ва синов натижалари билан боғлаш ва таққослаш схемалари тузилди. Улардаги коллектор қатламларининг литологик таркиби ва ёшдан қатъи назар ҳудуднинг барча стратиграфик кесимлари билан чегараланганлигини тасдиқлади.

Геологик тузилишнинг ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш учун қўшни ҳудудларнинг геологик ва геофизик материалларидан фойдаланилган. Шимолда тадқиқот ҳудуди Бердақ вали билан чегаралаш, шунинг учун биринчи қудуқларда геофизик тадқиқотлар (ҚТТ) таққослаш чизиги унинг жанубий учидан ўтади ва Қизил-Шолиннинг 1- қудуғини қоплайди. Таҳлил

натижасида қуйи юра давр ётқизикларида кумли қатламлар (J_1^1 ва J_1^3) аниқланган. Қизил-Шоли ва Орқа Қўнғирот қудуқлари бўйлаб ҚТТ материалларини талқин қилиш шунинг кўрсатадики, қуйи юра давр ётқизикларининг тарқалиш зоналари, жумладан J_1^1 ва J_1^3 кумли горизонтлар бутун ҳудуд бўйлаб ажралиб туради. J_1^1 маҳсулдор горизонтнинг ўртача қалинлиги -38 м ни ташкил қилади ва J_1^3 - 41 м уларда ўтказувчан коллекторлари ва қопқоқ жинслари бир-биридан фарқ қилади, бу литологик чекловлар ва ҳар хил жинслилиги билан изоҳланади. 1 - сонли қудуқлар участкасида Қизил Шоли, № 13 Шарқ. Бердақ, 2-сон Учасой, 1-сон Шағирлик (қуйи юра), 1-Жеткеншек, 1 ва 2-Шере, №1п Тахтакаир ва №1п Орқа Қўнғиротда 47 дан ортиқ коллектор қатламлари аниқланган, атиги 14 қатламда (29,8 %) синовлар ўтказилган, 33 дан ортиқ (70,2 %) қатламларда синов ишлари ўтказилмаган ва баҳоланмаган.

Қон ва майдонларда маҳсулдор юра давр горизонтлари кесими Тахтакаир ва Орқа Қўнғирот терриген ётқизикларидан иборат бўлиб, уларда тоғ жинсларининг учта литологик турлари аниқланган: кумтошлар, алевролитлар ва аргелитлар (кесимнинг пастки ва юкори қисмларида). Кесимларда энг кенг тарқалган жинс тури кумтошдир. Юра даври терриген жинсларининг аниқланган структуравий ва текстуравий хусусиятлари, майда майдаланган ўсимлик детритининг мавжудлиги, намлини яхши кўрадиган флора ва кўмир қатламларининг излари иссиқ, нам ва континентал ислим шаронтида чўкинди жинсларининг ётқизилганлиги муҳитини кўрсатади.

Шере, Тахтакаир ва Орқа-Қўнғирот ҳудудларидаги коллекторлари ўрта ва йирик донали кумтошлардан иборат. Асосий литологик таркибий қисмларини ўз ичига олган тоғ жинсларининг солиштирма қаришлиги СК (БК), гамма фаоллиги (ГК) ва водород таркиби (термал нейтронлар билан нейтронлар (НКТ)) қийматларининг таққослаш таҳлили БК кўрсаткичларининг СТга бевоқифа боғлиқлигини кўрсатди ($K = 0,6$) ва НК ($K = 0,72$) ва НКТ ($K = 0,65$) дан тесқари. Бат ярусининг юкори қисмининг ажратиш учун ГК (25 мкР/соат дан ортиқ), пастки қисми - БК (қийматларининг 5 Ом • м гача кескин пасайиши) керак.

Қуйи юра давр (J_1) коллекторларида ўртача сизиш ва резервуар ҳоссалари 0,6 дан 6,5 % гача бўлган гравелитлар, кумтошлар ва алевролитлар билан ифодаланади. Қуйи юра давр (J_1) ёшидаги жинслар учун очик говаклик коэффициентининг ўртача қиймати 4,9 % ни ташкил қилади, буни ҳам юпка, ҳам анча массив кум жинслари (20...75 м гача) кузатилади. Чуқурлик ошган сари кумтошларининг говаклиги 0,4-0,9 % қийматларга бироз пасайди, мутлақ ўтказувчанлик коэффициентининг ўртача қиймати $0,03 \times 10^{-3}$ мкм² га тенг, лекин дарзлик пайдо бўлади, бу эса жинсларнинг ўтказувчанлигини оширади.

Ўрта юра давр (J_2) коллекторлари ўртача филтрация сизимли хусусиятларга эга бўлган ўрта майда донадор кумтошлар, алевролитлар ва кумли-алевролитли жинслар билан ифодаланади ва очик говаклик сизиш сизими 1,6 дан 16,8 % гача ўзгариб туради. Ўрта юра давр (J_2) ёшидаги жинслар учун очик говаклик коэффициентининг ўртача қиймати 11,02 % ни ташкил қилади, кум қатламлари ҳам юпка, ҳам анча қалин (30...95 м гача),


мутлак ўтказувчанлик коэффициентининг ўртача қиймати $6,31 \times 10^{-3}$ мкм² ни ташкил қилади. Самарали коллекторларнинг қалинлиги 7,6 м дан 28 м гача ўзгариб туради.

Юқори юра давр (J_3) коллектор жинслари ўртача ситимга эга бўлган кулранг кумтошлар ва тўқ кулранг алевролитлар билан ифодаланади ва очик говаклилик коэффициенти 12,59 дан 21,05 % гача ўзгариб туради. Юқори юра давр (J_3) ёшидаги жинслар учун очик говаклилик коэффициентининг ўртача қиймати 16,82 %, қатлам қалинлиги 15 дан 45 м гача ва мутлак ўтказувчанлик коэффициентининг ўртача қиймати $6,44 \times 10^{-3}$ мкм². Самарали қалинлиги 5,6 м дан 16 м гача ўзгариб туради. Резервуар жинсларининг ситимли хусусиятлари асосан искиламли говаклиликнинг шаклланишига, шунингдек, ёрилишга боғлиқ. Говаклиликнинг исхита гуруҳини ажратиш мумкин: тектоник ва гидротермал эритмалар таъсиридан келиб чиқади. Очик говаклилик коэффициентини тақсимлаш табиати (бутун диапазонда нормалга яқин) максимал 10-15 % оралиғида. Керосин билан тўйинтириш яни Преображенский усули ёрдамида говаклилик гуруҳлари аниқланди.

Гилли жинслар (гил, аргилитлар ва алевролитлар) яхши изоляция хусусиятларга эга бўлган маҳаллий ва зонал қопқоқ вазифасини бажаради. Шега кони, Тахтакаир ва Орқа Қўнғирот ҳудудларида углеводородлар тўпланишини аниқлаш истикболлари қуйи - ўрта юра давр ётқизиклари билан боғлиқ, шу билан бирга, юқори юра давр ётқизикларининг махсулдорлиги ҳам бундан мустасно эмас. Тахтакаир, Орқа Қўнғирот майдонлари ва Шега конларидаги махсулдор терриген кесимларидан олинган керн намуналарини лаборатория тадқиқотлари ва кенгайтирилган ҚТТ мижмуаси натижаларини батафсил ўрганишлар асосида уч турдаги коллектор жинслари ўриштилади: говакли, говак-контакт ва аралаш. Шимолдаги туташ ҳудудга таққослаб юра (J_1 , J_2 ва J_3) давридаги коллектор жинсларининг Тахтакаир вали бўйлаб тарқалиш модели ишлаб чиқилган.

Тахтакаир вали бўйича юра давр ётқизикларидаги коллектор тоғ жинсларида фильтрация ва резервуар хоссалари яни сизилиш ситими хусусиятларини (ССХ) тарқалганлигини ўрганиш ва баҳолаш учун петрофизик модели тузилди, тузилган моделда юра давр ётқизикларидаги коллектор жинсларининг тарқалиш зонасидаги қонуниятлари ва уларнинг қалинлиги кўрсатилган (1-расм).


Бердақ ва Тахтакаир валлари кесимлари бўйича ҚТТ маълумотларининг асосий таҳлили ва талқини натижаларига кўра, юқори юра даврида ҳар хил тўлиқлик ва литологик ҳархиллик билан ажралиб туради. Қайд этиш мумкинки, Қизил Шоли, Учсой, Бердақ ва Шега конлари, шунингдек, Орқа Қўнғирот майдони тадқиқот ҳудудининг энг баланд нукталарида жойлашган.



1-расм. Тахтакаир вали ва унга туташ ҳудудлардаги юра даври коллектор тоғ жинсларининг тарқалишини уч ўлчовли модели (Тутувчи: А.П. Абзалов; 2022 й):

1-юра ётқизикларидаги она жинс; 2-юра ётқизикларидаги тахминий коллекторлар; 3-бурғиланган кудуклар ҳудуддаги коллекторларнинг тарқалиши; 4-коллекторларнинг тахминий тарқалиш ҳудудлари; 5-чуқур бурғиланган кудуклар; а) излов кудуги, б) тавсия қилинган; 6-шимолий йўналиш.


Таклиф этилаётган башоратли моделлар ва натижалар асосида олинган петрофизик ва геофизик маълумотлар яхшиланган фильтрация ва ситим хусусиятларига эга бўлган коллекторларнинг тарқалиш зоналарини аниқлаш, структуравий ва ноструктуравий углеводород туткичларини ҳосил бўлиши, шунингдек, Тахтакаир вали ҳудуди чегараларида мажмуавий юра давр ётқизикларининг нефтгазлилиги ва башоратли углеводород ресурслари потенциалларига эга бўлган зоналарни ажратишга имкон бери (1-расм), тадқиқот ҳудудининг геологик тузилишини (марказ ва қанотларда юра давр ётқизиклари ёриқлари ва чуқурликларининг қийшайиш бурчаклари) ни аниқлаштириш ва уни тўлдирувчи ётқизиклар, уларнинг замонавий нефтгазлилигини ўзига хос геодинамик шароитларда шаклланганлигини аниқлаш. Амалга оширилган ишлар юра ётқизикларида янги газ конларини излаш учун Тахтакаир валида Шега (қуйи юра) ва Орқа Қўнғирот истикболли объектлари мавжудлигидан далолат беради. Бу башоратни ўрта юра давр 1-Шега ва қуйи юра давр ётқизикларида 1-Қуйи Шега кудукларини бурғилашда саноат аҳамиятига эга газ оқимларини олинганлиги ва қуйи юра давр ётқизикларида 1-II Орқа Қўнғирот кудугини бурғилашда эса кучсиз газ оқимининг олиниши билан тасдиқланди (2-расм).



2-расм. Тахтакаир валидаги юра даври ётқизикларининг структуравий моделлари (Тузувчи: А.П. Абзалов; 2022 й):

1-юқори юра даври ётқизигининг шипи бўйича; 2-ўрта юра даври ётқизигининг шипи бўйича; 3-қуйи юра даври ётқизигининг шипи бўйича; 4-чуқур бурғиланган қудуқлар: а) излов қудуғи, б) тавсия қилинган; 5-юқори юра шипи бўйича изогипсаси; 6 - а) ўрта юра шипи бўйича изогипсаси; б) қуйи юра шипи бўйича изогипсаси; 7-тектоник бузилма.

Ишлаб чиқилган уч ўлчовли структуравий геологик модели асосида юра даври қатламларининг ҳар хил жинслиги таҳлили ўтказилди ва юра даври қалинликлари оралиғида коллектор жинслари ва гил қатламларининг тарқалиш қонуниятлари аниқланди. Қуйи юра давр ётқизиклари 60 м дан 3000 м бўлган ҳар хил қалинликда бўлиб, уларда иккита маҳсулдор қумтош қатлами ажралиб туради. Ўрта юра давр қалинлиги 70 м дан 1450 м гача бўлиб, унда битта (J_2^{12}) қумтош қатлами ажратилди. Юқори юра давр қалинлиги 20 м дан 630 м гача кузатилади. Янги очилган ва очилган уюмларни излашда маҳсулдор ёки тахминан маҳсулдор горизонтлар ва қатламларини индексларини ишлаб чиқиш, чунки буларсиз келгусида разведка ишларини олиб боришда қийинчиликлар туғдирмаслиги учун асосий вазифа деб ҳисобланади. Қуйи ва ўрта юра давр ётқизикларида саноат аҳамиятига эга маҳсулдорлик Тахтакаир вали чегараларида аниқланганлиги сабабли, асосий тадқиқотлар Шеге қонида олиб борилди.



3-расм. Тахтакаир валининг уч ўлчовли структуравий геологик модели (Тузувчи: А.П. Абзалов; 2022 й):

1- чуқур бурғиланган қудуқлар: а) излов қудуғи, б) тавсия қилинган; 2- қуйи ва ўрта юра давр ётқизикларининг шипи бўйича изогипсасари; 3- тектоник бузилма.

Тахтакаир валининг геологик ва геофизик материалларини талқин қилишда юра давр ётқизикларида мусбат структуралар ажратилган, бу структураларда муфассал излов ва қидирув ишларини олиб бориш тавсия этилади.

Диссертациянинг “Тахтакаир валидаги юра даври ётқизикларининг нефт-газга истикболлилигини баҳолаш ва геология-қидирув ишларининг келгусидаги йўналишларини белгилаб бериш” деб номланган тўртинчи бобда ҳудуднинг нефтгазлилиги, нефт ва газ салоҳияти истикболларини сифатли баҳолаш, башоратланган ресурсларни ҳисоблаш билан баҳолаш, башоратли зонал ва локал ҳудудларни илмий асослаш, қидирув ишларининг оптимал йўналишларини ишлаб чиқиш ишлари баён этилган. Тахтакаир валининг қуйи, ўрта ва юқори юра давр ётқизикларининг нефтгазлилигини баҳолаш учун асос бўлиб стратиграфик, тектоник, литологик-петрографик ва петрофизик мезонлар тўпламини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини баҳолаш ҳисобланади. У турли истикболли ерларни тонфаларга ажратиш ва уюмлардаги углеводородларнинг фазавий таркибини башорат қилишни ўз ичига олади.

Нефт ва газ салоҳияти истикболлилигини баҳолашда литологик-стратиграфик асос сифатида шислик қурилган қумтош қатламлари асосида қуйи-ўрта ва юқори юра давр чўкиндиларининг муфассал таққослаш натижаларидан фойдаланилди. Улар регионал резервуарларини оқилона ажратиш ва УЧН маълумотларидан фойдаланиб, уларни майдонлар бўйича кузатиш имконини берди. Юра давр ётқизикларининг нефтгазлилиги тўғрисидаги тўпланган маълумотлар, Тахтакаир вали ҳудудида излов ва қидирув ишлари олиб борилганда, қуйи юра даврини мақсадли ўрганиш зарур деган ҳулосага келишга имкон берди. Олинган маълумотлар ўрганилаётган

худуднинг истикболлигини аниқлаш имконини берди ва юра давр ётқизиклари билан боғлиқ нефт ва газ туғқичларини юздирish стратегиясини ўзгартиришга олиб келди.

Ётқизикларни синфларга ажратиш ва ўзаро таққослашда мавжуд қудук керилари, мажмуавий каротажлар, УЧН сейсмик профилилари ва литостратиграфик усулдан фойдаланилди ва шунингдек қатламларнинг ётқизилишини ва бу кетма-кетлиқни қудук кесимларида кузатишни, горизонтлар ва қатламларда уларнинг қийматлари ўзгарганда циклит қалинлигининг ўзгариши тартибини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Ўрганилаётган ҳудудда чуқур бургулаш ишлари натижасида иккита Шеге ва Куйи Шеге конлари очилди ва бу орқали саноат аҳамиятига эга нефтгазлик ўрнатилди. Кейинги нефтгазлик истикболлари юра давр ётқизиклари билан боғлиқ. Геологик ва геофизик тадқиқотлар натижалари асосида куйи юра давр ётқизикларининг маҳсулдорлиги башорат қилинди. Ўрганилаётган ҳудуд, умуман олганда, узок муддатли ва барқарор чўқини зоналарини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган нефт ва газ тўпламларини излаш учун истикболли ҳудуд сифатида қаралади. Бунинг оқибати чўқинди шаклланишларининг катта ҳажмлари ва қалинлигининг мавжудлиги эди.

Тахтакаир вали ҳудуди нефтгазлик жиҳатидан истикболли зонада жойлашган, аммо бургулаш йўли билан кам ўрганилган, 2000 дан 4500 м гача бўлган чуқурлик оралиғи регионал маҳсулдор бўлиб, унинг газга истикболлиги Шеге қонида исботланган ва куйи-ўрта ва юқори юра давр ётқизикларидаги участкаларнинг бу интервалларини углеводород бирикмаларининг вертикал тақсимланишида катта эҳтимол билан асосий юздирув зоналари деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳудуднинг бургулаш тарихини таҳлил қилишда олинган тадқиқот натижалари, башорат қилинган ресурсларни баҳолаш учун илгари ўтказилган ҳисоб-китоблар тасдиқланди, геологик аналогия усули ёрдамида уларнинг ишончлилигини баҳолаш учун асос бўлади.

Ушбу усулни қўллаш учун яхши ўрганилган ва ёмон ўрганилган ҳудудларнинг нефт ва газ салоҳиятининг индивидуал хусусиятлари ва мезонларини илгари баҳоланган захиралари билан таққосланди. Тахтакаир валининг башорат қилинган углеводород ресурсларини ҳисоблаш учун баҳолаш объекти сифатида юра даври ётқизиклари олинган.

Юра давр ётқизикларининг маҳсулдорлигини аниқлаш учун асосий ҳисоблаш усули сифатида тегишли тузатишлар киритилган барча изланаётган ва ўрганилаётган структураларнинг бирлик майдонига ба аниқланган кон захираларининг солиштирма зичлиги (минг тонна шартли ёқилғи/км²) усулдан фойдаланилди. Ўрганилаётган ҳудуднинг геологик ва геофизик ўрганилганлиги паст бўлишига қарамай, иккита газ конденсатли конлари аниқланди, уларнинг казиб олиш ҳажми тахминан 30 % ни ташкил этади, бу углеводородлар ҳажминини оширишнинг муҳим истикболларини кўрсатиши мумкин.

Тахтакаир ҳудудидаги D₁+D₂ тоифаларидаги башорат қилинадиган эркин газ ресурслари куйи, ўрта ва юқори юра давр ётқизиклари бўйича

алоҳида баҳолиди. Шу билан бирга, куйи юра давр ётқизикларининг башорат қилинадиган углеводород ресурслари 79450/65587 млн.м³, ўрта юра давр ётқизиклари учун 25004/21253 млн.м³, юқори юра давр ётқизиклари учун 54100/45985 млн.м³, ташкил этади. Куйи юра давр ётқизикларида ҳисобланган C₂ тоифадаги истикболли ресурслар 13392/13303 млн.м³, ташкил қилади. Юра давр ётқизиклари учун D₁+D₂ тоифаларининг углеводород ҳомишесининг умумий башорат ресурслари умуман ўрганилаётган ҳудуд учун 177671/144925 минг т.ш.ё. ташкил қилади. Ўрганилаётган ҳудуддаги юра давр ётқизикларида башорат қилинаётган углеводород ресурсларининг зичлиги 98 минг т.ш.ё./км² ни ташкил этади ва концентрация даражаси бўйича III (истикболли) тоифага киради.

Шундай қилиб, ҳудуднинг юра давр ётқизикларининг башорат қилинган ресурсларини баҳолаш натижалари шунинг кўрсатадики, углеводород ресурсларининг қарийб 86 % ҳалигача бургулаш орқали ўрганилмаган. Ўрганилаётган ҳудуднинг геологик тузилиши ва тектоник ривожланиш тарихининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган маҳаллий кўтарилишларнинг зичроқ, нисбатан субмеридионал, чизикли жойлашиши билан тавсифланади.

Ўрта ва куйи юра давр ётқизикларида углеводород тўпланишининг юзага келиши қайда этилган бўлиб, бу ўрганилаётган ҳудуддаги янги маҳаллий объектларнинг газнефтлилик истикболлигини асослаб, уларни қудуқларни бургулаш ва синовдан ўтказиш йўли билан ўрганиш имконини беради. Янги нефт ва газ конларини очиш учун излов бургулаш геологик ва геофизик тадқиқотлар даражасини ва шунингдек, ҳудуднинг истикболли қатламларининг геологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган эди. Тахтакаир вали ҳудудида УЧН-2D сейсмик тадқиқот материалларини қайта таъмин қилиш орқали Орқа Қўнгирот ва Куйи Шеге истикболли структураларининг тузилишини аниқлаштиришга имкон берди. Натижада Куйи Шеге 4500 м, қудуғини казиш бўйича ва Тахтакаир валининг жанубий қисмида Орқа Қўнгирот 5000 м ли структурасини чуқур бургулашга тайёрлаш тавсиялари ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган.

ХУЛОСА

“Тахтакаир валидаги юра давр ётқизикларининг нефт ва газлигига истикболлигини баҳолаш ва геологик тузилишининг хусусиятлари” мавзусидаги диссертация ишининг асосий илмий ва амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Тахтакаир вали ҳудудидаги куйи, ўрта ва юқори юра ётқизикларининг геологик-геофизик ўрганилганлиги сезиларли даражада бир хил эмаслиги билан ажралиб туради. Бу литологик ўзгаришларда, коллекторлик хусусиятларининг фарқларида, тектоник элементларининг хусусиятларида ва геологик тузилишининг ўзига хослигида намоён бўлади.

2. Шеге қонида куйи-ўрта юра даврларининг қумтош (J₁², J₂³) қатламларида саноат аҳамиятига эга бўлган маҳсулдорлик ўрнатилган бўлиб,

бу Тахтакаир вали худудининг қолган қисмида ўқшап қатламларининг нефтгазликка истикболлилигини башорат қилиш имконини беради.

3. Тахтакаир валининг жанубий ва шимолӣ қисмлари қудуқ қесимларини тақдослаш бўйича истикболли деб тахмин қилинган қатламлар (J_1^{12} ва J_2^{12}) синов учун тавсия этилади.

4. Юра давр ётқизикларининг уч ўлчовли структуравий-геологик модели ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида жануби-шарқий йўналишида қуйи ва ўрта юра давр ётқизиклари қалинлигининг оқиши кузатилад.

5. Юра давр ётқизикларидаги резервуарларнинг говаклик параметрлари 0,6 дан 21,05 % гача. Қуйи юра давр (J_1) жинслари учун ўртача очик говаклик коэффициент 4,9 % , ўрта юра давр (J_2) жинслари учун 11,02 % , юкори юра давр (J_3) жинслари учун 16,82 % ни ташкил қилад. Қуйи ва ўрта юра давр коллектор жинслари III ва IV синфларга мансуб. Юкори юра давр қумтош коллекторлари изчил бўлиб, II ва III синфлар билан тавсия этилади.

6. Тахтакаир валининг УВ башорат ресурсларини баҳолаш натижаларига кўра, қуйи, ўрта ва юкори юра ётқизикларида (D_1+D_2) тоифаси бўйича 144,9 млн. т.ш.ё., шу жумладан эркин газ 132,8 млн. м³, конденсат - 12,1 млн. т. миқдорларда башорат ресурслари аниқланд.

7. Юра давр ётқизикларида янги қонларни очиш учун Қуйи Шеге ва Орқа Қўнгирот структураларининг тавсиялари тайёрланд. Биринчи навбатда чуқур бурғилаш учун Қуйи Шеге I излов қудугини тавсия этилди ва бурғилаш натижасида саноат аҳамиятига эга газ оқимлари олинди.

8. Литологик-петрофизик таҳлил ва синов натижаларига кўра, геологик-қидирув ишларини оптималлаштириш учун биринчи навбатдаги (Шеге ва Орқа Қўнгирот) структураларида 3D муфассал сейсмик қидирув ишларини ўтказиш тавсия этилди, шунингдек МТЗ электрқидирув ишларини термогеокимёвий съёмка билан биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
Dsc.24/30.12. 2019.GM/41.01 ПРИ ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ
ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ»

АБЗАЛОВ АКМАЛ ПАРХАТОВИЧ

ОСОБЕННОСТИ ГЕОЛОГИЧЕСКОГО СТРОЕНИЯ И ОЦЕНКА
ПЕРСПЕКТИВ НЕФТЕГАЗОНОСНОСТИ ЮРСКИХ ОТЛОЖЕНИЙ
ТАХТАКАИРСКОГО ВАЛА

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2021.1.PHD/GM105.

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институт геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (реюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич доктор геолого-минералогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Богданов Александр Николаевич доктор геолого-минералогических наук, старший научный сотрудник Шарафутдинова Лейла Полатовна доктор философии по геолого-минералогическим наукам (PhD), доцент
Ведущая организация:	Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится « 05 » сентября года в 10:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней Doc.24/30.12.2019.GM/41.01 при Государственном учреждении «Институт геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений» (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул.Олимлар, 64, блок Б; комн. 507; e-mail: igimn@ing.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУ «НИПНИГ» (регистрационный номер № 4427). Адрес: 100164, г.Ташкент, ул.Олимлар, 64, блок Б; комн. 507; e-mail: igimn@ing.uz.

Автореферат диссертации разослан « 11 » августа 2025 г.

(реестр Протокола рассылки № 96 от « 02 » июня 2025 г.).



Шоймуратов Т.Х.
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

Юлдашева М.Г.
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

Евсеева Г.Б.
Заместитель Председателя Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире обеспечение прироста запасов углеводородного сырья осуществляется, в основном, за счёт активного внедрения результатов научно-исследовательских работ в практику геологоразведочных работ. Для стабильной работы нефтегазоперерабатывающих комплексов необходим достаточный объем сырьевой базы, увеличение запасов газа, нефти и конденсата которых будет выполняться за счет открытия новых месторождений и залежей. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой геологии является применение и совершенствование методик изучения сложнопостроенных терригенных геологических разрезов и выделение в них потенциально перспективных коллекторов, что имеет теоретическое и практическое значение.

В связи с этим одной из приоритетных задач нефтегазогеологического направления является изучение особенностей геологического строения перспективных зон с помощью инновационных разработок для поисков новых месторождений УВ, имеющее теоретическое и практическое значение. В мире ведутся научные исследования по изучению литологических, фациальных, структурных критериев нефтегазоносности юрских отложений, для поиска залежей нефти и газа, которые связаны с различными типами ловушек. В связи с этим, особое внимание уделяется уточнению строения продуктивных песчаных пластов, условий формирования сложнопостроенных залежей углеводородов, вещественного состава юрских отложений, разработке методов добычи и решению технологических проблем извлечения газа и конденсата в условиях аномально-высокого пластового давления (АВПД), из сложнопостроенных гранулярных и трещинных коллекторов.

В республике достигаются определенные научные результаты по увеличению запасов углеводородного сырья и объемов его добычи, необходимых для развития промышленности и народного хозяйства страны. В Стратегии действий¹ по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов». В связи с этим, исследования, направленные на изучение особенностей геологического строения Тахтакаирского вала с учётом прогноза перспективности и разработки направлений геологоразведочных работ для поиска новых месторождений газа и конденсата, имеет важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

